

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 14 (6. 803)

1989 йил 17 январь, сешанба

Баҳоси 3 тийин

Долзарб мавзуда суҳбат

Янгича ёндашувларни қидирмоқ керак

«Тошкент оқшом» мухбири халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. Х. ҒУЛОМОВ билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Ҳамидулла Ҳабибуллаевич, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси этиб сайланганлигиниз муносабати билан бизнинг кутулларимизни ва жонажон Тошкентнинг фаровонлиги йўлида қиладиган ишнингизга муваффақият тилаб билдирган истакларимизни қабул этгайсиз. Шу лавозимда қайси муаммони биринчи ғалдаги муаммо деб биласиз?

— Қўтлов учун раҳмат. Муаммоларга келганда, икки миллиондан ортиқ аҳоли яшаб турган шаҳар олдидан муаммолар жуда кўп. Аввало шунини тасдиқлаб ўтмоқчиманки, шаҳар ижроия комитети фаолиятининг барча соҳаларида Тошкент шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Тошкент шаҳар Совети еттинчи сессияси қарори билан тасдиқланган 1989 йилги план бажарилишини таъминлаш соҳасидати ҳамма ишлар давом эттирилади. Бу ишда медицина хизматини яхшилашга, соғлиқни сақлашнинг базасини мустаҳкамлашга, шаҳар озиқ-овқат программасини бажаришга, уй-жой қурилишга, шаҳар транспортини яхшилашга биринчи даражали аҳамият берилди. «Сихат-саломатлик» программасининг рўйбга чиқишига ҳаракат қилиш, медицина хизматининг сифатини ошириш, аҳолини дорин-дармонлар билан яхшироқ таъминлаш лозим. Республика министриликлари ва идораларининг, иттифоқ қарамонига қорхоналарнинг соғлиқни сақлаш объекти қурилишида жуда фаол қатнашчиларини уларнинг раҳбарларидан қатъийат билан илтимос қиламиз.

— Бу соҳада тажриба борми?

— Ҳа бор. Бу соҳада «Алгоритм» ва бошқа заводларнинг раҳбарлари яхши намуна кўрсатмоқдалар. Беш йилликнинг қолган икки йили учун шу қорхоналарнинг белгилаб қўйилган планда социал-маданий объектилар қуришга 25 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган.

— Шаҳарни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга оид қандай тақдирларингиз бор?

— Шаҳарни сабзавот, картошка ва ҳўл мева билан таъминлашни яхшилаш мақсадида тоғ этаклари зонасидаги бир қатор совхозларни Тошкент шаҳар ижроия комитети қарамонига олиш имкониятини пухта ишлаб чиқиш керак, бу хўжаликларнинг рентабеллигини ижара пулрати асосида таъминлаш мумкин бўлур эди. Бундан ташқари сабзавот ombорлари, музоналар шаҳаробчинини барпо этиш, сабзавот, мева ва гўшт маҳсулотларини ўз жойида қайта ишлайдиган чорғок цехлар қурилиши яхши бўлур эди. Маҳсулотнинг яхши сақланишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

— Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, савдо хизматини яхшилаш ҳамда озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга шаҳарларнинг ҳиссасини қўйишни масалаларнинг ҳал этиш борасида Москва, Ленинград, Киев, Минск ва бошқа шаҳарлар ижроия комитетларининг илгор тажрибаси Тошкент учун ҳам муайян қимматга эга эмасмикин?

— Уларнинг тажрибаси биз учун қимматли эканлиги шубҳасиз. Ер ўқасталарини ажратиб берилиши ва богдорчилик-полиэтилен ширкатлари барпо этилиши озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга ва меҳнат-кашиларимизнинг соғлом ҳордиқ чиқаришини уюштиришга қисман ёрдам беради. Тошкентга яқинроқ жойлардан ер топиш ва бог-хўвчилардан иборат посёлкалар барпо этишга кенг миқёсда киришиш керак.

— Уй-жой муаммоси қандай ҳал этилади?

— 2000 йилгача мўлжаллаб тасдиқлаб қўйилган комплекс уй-жой программасини бажариш ва ҳисоблаб қўйилган муддатга ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки

уй билан таъминлаш учун Тошкентда 23,2 миллион квадрат метр уй-жой қуриб, ҳар бир кишига тўғри келадиган умумий турар жой майдонини 16 квадрат метрга етказиш зарур. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан беш йилликларда 1988—1990 йилларда 6,6 миллион квадрат метр, 1991—1995 йилларда 7,6 миллион квадрат метр, 1996—2000 йилларда 9,0 миллион квадрат метр уй-жойни қуриб бېтказиш белгиланган.

— Бироқ, иш ҳажми ва ўсиш суръатлари катта қилиб белгиланган, шу беш йилликдаёқ режаларга нисбатан 800 минг квадрат метр ёки 12,3 мингта квартира камроқ қурилиши кўришиб қолди-ку.

— Ҳа, шундай. Бироқ уй-жой муаммосини шаҳардаги барча саноат қорхоналарининг куч-ғайратлари билан ҳал этиш, уй-жойларни хўжалик усулида қуришни ва яқна тартибдаги уйлар қуришни ривожлантириш, участка ажратиш учун ер топиш ва бинокорлик материаллари сотишни йўлга қўйиш лозим.

— Ҳамидулла Ҳабибуллаевич, шаҳар жамоат транспортининг муаммолари ҳақида қисқача гапириб берсангиз...

— Шу беш йилликда трамвай ва троллейбус линияларини, тортувчи энергия подстанцияларини қуриш топириқлари бажарилаётганлиги, вагон-ремонт заводи-ни реконструкциялаш чўзилиб кетганлиги бу масаланинг ҳал этилишини қийинлаштирмоқда. Бу топириқларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш керак.

— Шаҳар автомобиль транспорти Тошкентдаги пассажирларнинг аридан кўпрогини ташиб бермоқда. Транспортни шаҳар ижроия комитети қарамонига топириб, пудрат системасини ташкил этиш масаласи ҳусусида тузукроқ ўйлаб кўриш лозим.

— Шаҳар йўлларини ободонлаштириш ва ишга шай ҳолатда сақлаш транспорт иш-ни яхшилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Йўлқалар ҳақида, кўчаларни ўз вақтида ва сифатли суғуриб-сидириш тўғрисида ҳам шу гапни айтмоқ керак.

— Шаҳар муаммоларини шаҳар Совети билан Тошкентда жойлашган барча қорхона ва ташкилотларнинг мустаҳкам ҳам-жаҳатлигида ҳал этиш кераклигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзаро манфаатли иқтисодий асосга қурилиши керак.

— Ҳозирги вақтда халқ депутатлари маҳаллий Советларнинг мустақиллигини кенгайтириш тўғрисида қонун тайёрланмоқда, шу қонунда регионларнинг иқтисодий фаолиятини хўжалик ҳисоби принципи асосида ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

— Фирқингизни тушундим. Дарҳақиқат, уй-жой-коммунал хўжалигини маъний хизматини, шаҳар транспортини, йўл қурилиши ва уни сақлашни, савдо-сотиқни, умумий оқватланишни маҳаллий Советлар қарамонига топириш режалаштирилмоқда. Бу ишга бўладиган ҳамма ҳаракатлар уларнинг ўз даромадлари ҳисобидан қопланиши керак.

— Шаҳар хўжалиги иш-ни хўжалик ҳисоби усулига ўтказиш бизнинг олдимишга янги вазифалар қўйди, бу вазифаларнинг ҳал этилиши шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини ва унга хизмат қилиш сифатини оширишга бевосита таъсир ўтказиши лозим.

— Ҳа, шаҳарда муаммолар кўп, иш натижалари эса шаҳар Советининг барча депутатлари қандай ишлашларига боглиқ бўлади, шундай эмасми?

— Худди шундай. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси сифатида меннинг олдимида ҳозирнинг ўзидаёқ катта масъулият ва улкан вазифалар турибди. Фаолиятнинг асосий йўналишларида биз ҳаммамиз янгича усуллар билан ишлашимиз, тутилмаган йўлларни имкони борида қидириб топиб, зўр ғайрат билан меҳнат қилишимиз, олдимишда турган вазифаларини ҳал этишга янгича ёндашувлар ва йўлларни доимо излашимиз зарур.

— Суҳбат учун ташаккур.

Суҳбатни Т. МУХИДДИНОВ олиб борди.

© «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг илгор тикувчиси Нодири МАҚСУДОВА.



Е. Ботмиров фотоси.

Кўнглимдаги гап

ГИМНИМИЗНИ БИЛАМИЗМИ?

ТУРЛИ йиғилишларда, тантанали маросимларда Давлат гимни ижро этилади. Уми ҳар сафар «Интернационал»ни қўйилганида қалбимда фахр ва ифтихор туйғулари жўш уради. Айниқса, совет спортчилари чет элларда тўлабга эришганда СССР Давлат гимни янграганида интизорлик билан кутаман. Билсангиз, қанчалар фахр бахш этади! Мен бир нарсани ўйлангандим: Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат гимни музикаси тантанали маросимларда, йиғилишларда негизда кам ижро этилади. Ўзбекистоннинг Давлат гимни асосан радио орқали эрта тонгда ва тунда янграйди. Чет эллик давлат раҳбарлари

келганда ижро этилиши бундан мустасно, албатта.

Мени ҳаммасидан ҳам кўпроқ ташвишлантираётгани Гимннинг текстининг деярли ижро этилмашидир. Кўнглим маҳабб ўқувчилари ва студентлар Гимн музикаси ва қўшғинини текстини билишмайди ҳам. Яқинда ўрта мактабларнинг бирини бўлган учрашув чоғида бунга аниқ бўлдим. Уин ўқувчилар эмас, ҳатто ўқитувчилар ҳам билишмас экан!

Менимча Гимннинг текстини ҳар биримиз билишимиз, фахр билан ижро эта олишимиз керак!

Мухиддин ҲАМИДОВ.

БОЛА КИМ УЧУН АЗИЗ?

ГАПНИ шундан бошламоқчиман: ҳукуматимизга, партияимизга раҳмат. Ҳамиша болаларнинг бошини силаб, бениқсон, ўқсатмай воёга етказди. Болалар уйлариди шариотларини кўриб, очини, кўзлариндан ёш чиқиб кетди. Болалар учун иссиқ, озода хоналар. Эналарлар, тарбиячилар, ўқитувчилар... Имкони борида ҳамма нарсани улар учун муҳайё қилинган.

Бир нарсани эшитганимдан кейин вужудим жимирлашиб кетди. Болалар уйларига тарбиялаётганларнинг қўчилигининг ота-онаси бор экан. Улар тушпа-тушун жойида ишлаш, топиш-тутишни айтишга экан!

Азизларим, ўзингиз ўйлаб кўринг,

ахир ким учун яшамиз, ишлаймиз? Қора кўз фарзандларимиз учун! Баъзи нонқўрлар бунини тушунтирмайди, чоғи.

Менда бир фикр бор. Бу фикр мен кўндан қийнаб келади. Болалар уйларига топирилган тарбияланувчиларнинг ота-онасидан қилинаётган сарф-харажат ундириб олинса, қалай бўларкин? Зора шундангина улар фарзанд қадрига етсала, ота-оналик бурчи қанчалар масъулиятли эканлигини англасала. Ўзгалар ҳисобига, ҳусусан, давлат ҳисобига таралла бедод қилмасалар?!?

Фаёз ҒАФУРОВ.

ХАЛҚ САЙЛЛАРИ ЎТКАЗИЛСА

ЯҚИНДАГИНА қўшмиллатли мамлакатимизда, партияимизда раҳмат. Ҳамиша болаларнинг бошини силаб, бениқсон, ўқсатмай воёга етказди. Болалар уйлариди шариотларини кўриб, очини, кўзлариндан ёш чиқиб кетди. Болалар учун иссиқ, озода хоналар. Эналарлар, тарбиячилар, ўқитувчилар... Имкони борида ҳамма нарсани улар учун муҳайё қилинган.

Байрам нимаси билан байрам? Хурсандчилик қайфияти билан, завқ-шавқ билан, албатта. Шундай экан

байрамлар программасини, яъни сценарийини ўзгартириш вақти етмадимикан?

Таклифим шуки, ҳарбий параддан ташқари меҳнаткашлар намоёнлигини катта халқ сайлига айлантириш керак. Токи меҳнаткашлар бир-икки соат эмас, кун бўйи хушқаъқ дам олсин.

Илҳом ИСРОИЛОВ.

«НАХОТКИ ИШ ТОПИЛМАСА»

УСТА ШИРИН кўчасидаги дўконда гўшт сотиб олмоқчи бўлиб киргандим. Сотувчи йиғитдан тарозига қўйган гўшт орасидаги каттақон сукьяни олиб қўйишни илтимос қилдим. У қўнмади. Икковимиз тортишиб қолдик. Охири ноилжонликдан гўштни олдим, жаҳл билан ҳалиги сукьяни ўша ерда қолдирдим.

Шу кунни одам тирбанд эди. Қани, мен қолдирган сукьяни сотувчи нима қиларкин деб бир четда туриб кузата бошладим. Не кўз билан кўрайки

қассоб йиғит уни бошқа харидорга пуллади...

Хат ёнига мажбур қилган нарсани нафақат сотувчининг қўполлиги, илтифотсизлиги ва камситишгига эмас. Мени кўпроқ бошқа нарсани ўйлантирди.

Тўғри, мен дуч келган воқеани истаган еримизда қўришимиз мумкин. Яна истаган магазинга кириб, атрофга назар солинг: ҳамма жойда али қоматли йиғитларимиз кўпчилигини ташкил этади. Ҳатто аёллар ич

қинийи сотиладиган махсус жойда ҳам пештаҳта ортида девқомат азаматлар савлат тўкиб туради. Бориб бир нарсани сўрашга ниймандаи аёлларимиз.

Газетага катта муҳаббатим, беқисс хурматим тўғрисида кўнглимдаги шу гапларни сизларга ёзиб юбордим. Буёғи сизларга ҳавола.

Тўхтасин МАҲМУДОВ.

Искандар БЕКОВ, уруш ва меҳнат ветерани.

Тонгги газеталарда

♦ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар рўйхати эълон қилинган. Номзодлар қаторида, жумладан, Ўзбекистон ССРдан В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация токарлар бригадасининг бошчилиги Владимир Тўйчиевич Одилов ва Сирдарё области Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг бригада бошлиғи Тўхтахон Назаровна Қирғизбоева ҳам бор.

♦ КПСС Марказий Комитетиди 13 январь кунини бўлиб ўтган кенгашида янги иқтисодий муносабатларини фаол ривожлантириш шариотида мамла-

кат агросаноат комплексидидаги бошқаруви демократик негизда такомиллаштириш йўллари муҳокама этилганлиги илгар хабар қилинган эди. Бугун газеталарда «Агросаноат комплексини бошқаришни такомиллаштириш» сарлавҳаси остида ана шу кенгаш ҳақида батафсил ҳисобот эълон қилинган.

♦ СССР Министрлар Совети 14 январьдаги мажлисида 1988 йилда ва ўн иккинчи беш йилликнинг уч йилида мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги ҳамда аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари ҳақидаги масалалар-

ни кўриб чиқди. Бугун газеталарда ана шу мажлис ҳақида ҳисобот берилган.

♦ «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасидидаги «Ҳамиша одамлар билан бирга бўлайлик» сарлавҳали мақолада КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков газетга мухбирининг саволларига жавоб беради.

♦ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.

26 март—СССР

халқ

депутатлари

сайлови кунини

КЕНГ

ТУШУНТИРИШ

ОЛИБ

БОРИЛЯПТИ

— Жойларда депутатликка номзодлар кўрсатила бошлангани билан комиссиямиз аъзоларининг юмушлари кўпайди. Улар навбатма-навбат округга қарашли қорхоналарда бўлишиб сайловчилар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориляпти,— дейди 598-Тошкент-Киров сайлов округи комиссияси секретари Т. Мирусмонова.

СССР Конституциясидидаги ўзгартишлар ва СССР халқ депутатлари сайлов тўғрисидаги қонунлар сиёсий системамизни ислоҳ қилиш соҳасидидаги дастлабки қадам бўлди. Шунинг учун ҳам янги қонун асосида ўтказиладиган сайловга қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Энг асосийси, СССР халқ депутатлигига муносиб кишиларни, қайта кўришнинг ҳақиқий курашчиларини кўрсатишдан иборат.

Округ сайлов комиссияси аъзолари шу кунларда участка сайлов комиссиялари фаолиятини назорат қилиб туриш, маҳаллий Советлар органлари, қорхона ва ташкилот раҳбарларининг сайловга тайёргарлиги юзасидан ахборотларини тинглаб туриш, депутатликка номзодлар кўрсатиш, уларни рўйқатга олишни ташкил этиш, сайловчиларни номзодлар билан учрашувларини уюштириш каби масалалар билан шуғулланишяпти. Жойларда сайлов участкаларини ташкил этиш ишлари ҳам қизгин бормоқда. Бунда округ сайлов комиссияси аъзоларидан Н. Зиямухамедова, Х. Ғуломов, Г. Х. Мигранова, Е. И. Маликинлар ибрат кўрсатишяпти.

Район қорхона ва ташкилотларда депутатликка номзодлар кўрсатишга бағъишланган йиғилишлар чинакам ошқоралик ва кенг демократия руҳида ўтмоқда. Ишчилар, экиллар ўзларининг муносиб номзодларини депутатликка кўрсатишмоқда.

Шунингдек, округ сайлов комиссияси олдимида халқ катта вазифалар турибди, улардан бири сайловчилар рўйқатини тузиб чиқишдан иборатдир.

М. ОРИПОВ.

Об-ҳаво ва саломатлик

17 январдан—

22 январгача

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтада об-ҳаво баъқари бўлиб туради. Вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиб ўтади. Ҳарорат кечаси 5—10 даража совуқдан 0—5 даражага иссиқ, кундузи 1—4 даражадан 4—9 даражагача иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормага яқин.

Н. А. Семашко номидаги курутология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти мади об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдими олиш маркази мутахассисларининг фикрига қараганда шу ҳафтадаги кўнглидан об-ҳаво шариотлари об-ҳаво ўзгартишларига таъсирчан беморлар учун нохуш ҳисобланади. Бундай иқлим юреникни ишемик хасталиги, бош миёна қон томирлари ва яллиғланиш, бўғин хасталиклари бўлган, об-ҳаво ўзгартишларига таъсирчан беморларнинг аҳолига салбий таъсир этиши мумкин.

Профилактика мақсадида ҳафтанинг нохуш кунлари шу группадиги беморлар сикҳат-саломатлигига кўпроқ эътибор бериш тавсия этилади. Артериал босим вақти-вақти билан ўлчаб турилиши, зарур ҳолларда врачларнинг тавсияси билан гипотонизм востилар қабул қилиниши лозим.

Об-ҳаво қулай кунларда шу тоифадеги беморларга чиникчи муоалаларини давом эттириш тавсия қилинади. Даволаш физкультура комплекси машқларини талай миқдордаги нафас олиш машқлари билан қўшиб олиб бориш аниқ-са фойдалидир.

Хизмат маданиятини ошириб

© Шаҳримизда ҳар кунини 350 та трамвай, 305 та троллейбус йўловчилар хизматини ўтаётган бўлса ҳам электр транспортни хўжалигимиз талаб кўн сайин ортиб бораётгани.

Электр транспортчилар кол-лектив ишлаб чиқариш самачи радорлиги ва иш сифатини ошира бориб 1988 йилда трамвайларда 169.343 минг, троллейбусларда 141.142 минг йўловчини манзилини яқин қилишди. Йиллик план 104 процент бажарилиди. Трамвайларнинг тезлиги сотига 15,5, троллейбусларда эса 16,7 километрге етди. Бу ички резервлардан тўла-тўқис фойдаланишнинг самараси бўлди.

Бу йилги режалар янада улкан. Трамвайларда 167,5, троллейбусларда 142 миллион аҳолига хизмат кўрсатилади. Ҳаракатдаги составлар 26 та трамвай, 34 та троллейбус билан ўлдирилади.

Шаҳар электр транспортининг истиқболли вақти порлоқ. Шу йилнинг биринчи кварталда бир қанча янги маршрутлар очилди. Алгоритм заводи — Я. Купала кўчаси — Фарҳод бозори — Жанурий вокзал оралиғида янги 23-троллейбус маршрути йўлга қўйилади. 3-

Оила

бахтини деб

Яқинда Октябрь район Совети ижроия комитети хотин-қизлар кенгаши таъаббуси билан шаҳримиздаги «Ёшлар уйи»да «Оила ва аёл бахти» мавзусида қизқарли мунозара бўлиб ўтди. Аёллардаги ҳаё ва ифрат, қизлик поклиги, дугонага фидойилиги, она жасоратига бағиқланган бу мунозара-баҳсда районнинг турли маҳаллаларидан 300 дан ортиқ онахоналар, ота-хоналар, юқори синф ўқувчилари, ўқитувчилар, богча-табиячилари, маданият уйи ходимлари, қорхона, ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Бу учрашув оқшомидан мақсад — аёл номини эъзозлаш, ҳозирги ёшларни турмушга тайёрлаш эди. Ахир бугунги қиз эртага келин, кейин она бўлади. Уларни ҳаётга тайёрлаш эса ҳар бир оиланинг, жамоатчилигининг, мактаб, ўқув юрларининг бурчидир.

А. АМИНОВ.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

Хизмат маданиятини ошириб

© Шаҳримизда ҳар кунини 350 та трамвай, 305 та троллейбус йўловчилар хизматини ўтаётган бўлса ҳам электр транспортни хўжалигимиз талаб кўн сайин ортиб бораётгани.

Электр транспортчилар кол-лектив ишлаб чиқариш самачи радорлиги ва иш сифатини ошира бориб 1988 йилда трамвайларда 169.343 минг, троллейбусларда 141.142 минг йўловчини манзилини яқин қилишди. Йиллик план 104 процент бажарилиди. Трамвайларнинг тезлиги сотига 15,5, троллейбусларда эса 16,7 километрге етди. Бу ички резервлардан тўла-тўқис фойдаланишнинг самараси бўлди.

Бу йилги режалар янада улкан. Трамвайларда 167,5, троллейбусларда 142 миллион аҳолига хизмат кўрсатилади. Ҳаракатдаги составлар 26 та трамвай, 34 та троллейбус билан ўлдирилади.

Шаҳар электр транспортининг истиқболли вақти порлоқ. Шу йилнинг биринчи кварталда бир қанча янги маршрутлар очилди. Алгоритм заводи — Я. Купала кўчаси — Фарҳод бозори — Жанурий вокзал оралиғида янги 23-троллейбус маршрути йўлга қўйилади. 3-

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

Урта Осиё бўйича темирйўллар қурилишини ва мавжуд бўлат изларни реконструкциялашни «Средэстрас-строй» трести олиб боради. Тошкент шаҳрида жойлашган бу трест 1987 йил якунига қўра Внутрнтийфоқ социалистик мусоабасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўмаи Қизил байроғи ҳамда дипломи билан мукофотланган эди. Тошкент шаҳридаги энг илгор қурилиш ташкилотларидан бири ҳисобланган мазкур трест 1988 йилда ҳам ўзининг юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан шаҳримиз шухратини оширди. Жумладан, қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани муддатидан илгари ошириб адо этилди. Бу аввало ҳўжалик ҳисобининг дастлабки босқичи — коллектив пудрат асосида ишлашнинг самарасидир.

Иш кўмаи характерда бўлишига қарамасдан трест меҳнатда бу даражада салмоқли ютуқларни қўлга кири-таётганлиги боиси шундаки, деярли барча комплекслаш-ган қурилиш бригадаларида меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ҳўжалик ҳисоби прин-ципларига қатъий амал қилинмоқда. Чунончи, бригада кенгашлари фаолияти активлашиб кетганлигидан бу кен-гашлар тўлақонли тарбия мактаби вазифасини ўтаётди.

Қўнида биз трестнинг маъғал коллективларидан бири — яқинда СССР Транспорт қурилиш министрлигининг «СССРнинг фахрий транспорт қўрувчиси» нишони билан тақдирланган Ашурали Аҳмедов бошлиқ бригада кенга-шининг иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қиламиз. Бу брига-да коллектив Тошкент темир йўл бўлимига қарашли станцияларда меҳнат қилади.

Тўла ҳўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

БРИГАДА КЕНГАШИ-ТАРБИЯ МАКТАБИ

— Бригадамиз кенгашига мендан ва проаб Асман Зейнаровдан ташқари яна тўртта қўрувчи аъзо,— дей-ди Ашурали Аҳмедов. Кенгашининг ҳозирги аъзо-лари йил бошида бригада коллективининг умумий йи-гилишида саяланган. Биз заруратга қараб, ҳафтадами, иш кўндами, ҳар ойдами, кенгаши масъулашамиз ва бирон-бир масалани ҳал қиламиз. Мана, бир мисол. Яқинда бригадамизда 200 сўм му-кофот беришганди. Биз уни қандай тақсимлашни брига-да кенгашида ҳал қилдик. Меҳнатда иштирок этиш коэффицентини белгилаш-да ким қанча балл олди, ким прогуд қилди ёки ишга кеч қолди, ким ишда сифат-сизликка ёки техника ҳавф-сизлиги қоидаи бузилиши-га йўл қўйди — ҳаммаси инобатда олинди. Шунинг натижасида биров ўттиз сўм мукофот олган бўлса, бирова-га ўн сўм тегиш.

— Ашурали ака, — му-рожаат қилдик бригадирга, — бу мукофотни тақсимлаш-да, бу мукофотни қўрувчининг кундалик меҳнатини холи-сона баҳолашда бригада кенгашининг роли қандай?

— Меҳнат кенгаш аъзола-рининг кўнчилиги овози би-лан балл системасида баҳо-ланади,— деди А. Аҳмедов.

— Ҳар жиҳатдан ибрат қўрсатиб ишлаганга 1,3 балл қўйилди. Ўртаминена-чи 1,1 балл олди. Дангаса-га ҳеч нарса йўқ. У қўнича-ча бир тийин ҳам олмайди.

Кўпроқ балл тўплаганлар ой-нини охирида бошқаларга нисбатан 30—40 сўм кўп иш ҳақи олишади. Илгари ҳаммасини разряд белгилар-ди, кимнинг разряди юқори бўлса, ўшанинг ошини олчи эди. Ҳозир ҳаммасини иш-га, бурчга, иш қўрулига, материалга, меҳнатга муно-сабат ҳал қилади. Бундай муносабат кенгаш аъзола-рининг ҳаммаша диққат-эъти-борида бўлади.

Албатта, бунда кенгаш аъзолари виждон амрига биноан иш юртидадилар. Мабодо бирортаси ўзининг нотўғри ҳатти-ҳаракати би-лан кенгаш аъзоси деган номга доғ туширса, коллек-тив умумий йиғилишида унинг ўрнига бошқа кишини сайлаш мумкин.

Интизомни мустаҳкам-лашда бутун масъуляти кенгаш зиммасига юкланган. Прогуд қилиш, ишга кечи-киш ёки ишдан барвақат кетиш, даңгасалик, бекор туриб қолиш, ишда сифат-сизлик ва ҳўжасизлик қў-ринишлари қатъий назорат остига олинди. Ўзаро талаб-чанлик ҳамжиҳатлик билан уйғунлашиб кетди.

Сўхбатимиз бригада кен-гашининг тарбиявий роли ҳақида борар экан, брига-дирга мурожаат қилдик: — Бригаданамизда 21 киши ишлар экан. Ҳаммасини ҳам одобли, меҳнатсевар, инти-зомли деб бўлмайди-ку ахир?!

— Яшармайман, илгари гоҳ уни, гоҳ бун муҳоама қилиб турардик. Ҳозир

ийитлар бутунлай ўзгариб қолишган, иложи борица интизомни бўзмасликка ҳа-ракат қилишади.

— Сабаби?

— Сабаби, талабчан-лики тўғри тушуна бош-лашди. Ҳаммаси фарзандла-рим тенги йигитлар. Мени ўзларига яқин олишади. Ил-гари бригадамизда кимлар ишламаган дейсиз? Биздан сўраб ўтиришмасди: сафи-мизда ишга нафи тегмайдиган тасодифий кишилар пай-до бўлиб қолар, улардан қў-тулгунча не-не қўнгилсизлик-ларни энгиб ўтишга тўғри келарди. Ҳозир кимни ишга олишни ўзимиз ҳал қила-миз. Янги ишчи маълум муддат коллектив синови-дан ўтади.

— Таъбир жоиз бўлса, сизни тарбиячи десак ҳам бўлади. Аҳил коллективнинг шаклланишида тарбиячи-нинг бошқаларга ҳар жиҳат-дан тўғри муносабатда бў-лиши катта аҳамият касб этади-ку.

— Бўлмасам-чи. Агар сизни муносабатда бўлма-сангиз, одамларнинг ишон-чини йўқотасиз. Ишончини йўқотдингизми — коллектив-га раҳбарлик қилишга ҳақ-қингиз йўқ.

Ашурали Аҳмедов бошлиқ бригада трестда машғал ҳисобланади. Бригада қў-рилиш-монтаж ишлари — 1988 йил тошқирғини муддатидан уч ярим ой олдин ба-жарди. Яъни, планда белги-ланган 680 минг сўмлик иш ҳажми сентябрь ойидаёқ ўринлатилганди. Шундан кейин мажбурият ҳисоби очилди...

Ҳозир иш ҳажми анча ошиб кетди. Моддий ма-фаатдорлик ҳам меҳнатга яраша бўлган. Қўрувчилар ўртача 240—250 сўмдан ойлик иш ҳақи олишляпти. Айтаюндай, яқинда СССР Транспорт қурилиш ми-нистрлиги Ашурали Аҳме-довни бепул «Москвич» а-томашинаси билан мукофот-лади! Аслида бу бутун бри-гада коллективи меҳнатига берилган юксак баҳо, муно-сиб мукофотдир.

Агар бригада коллектив-ни бир оила десак, бригада кенгашини оила сарвари дейиш мумкин. Бу оила-нинг ҳар бир аъзосини меҳ-натсеварлик ва ҳамжиҳат-лик руҳида тарбиялашда бригада кенгашининг ва аввало кенгаш раисининг роли каттадир.

И. НОРМАТОВ, СССР Жуналистар сою-зининг аъзоси.



Бахт келтирган касб

Тикувчилик касби азал-абад халқимизнинг таҳсин ва ардоғига сабаб бўлиб келган. Бугун ҳам эғнидаги ки-йимлари чиройли тикилган одамни кўрганнингизда бе-ихтиёр чеварларнинг қўли дард кўрмасин деб қўя-сиз...

Комсомол аъзоси Ўғилло Аҳмадалиева ҳам ўрта мактабни тутатиш арафасида тикувчи бўлишни қўлга қутуб қўйганди. Етуклик аттестатини қўлга олган, ҳеч иккиланмай «Ташкоршвейбт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-ательесига келди. Бу ерда ўтган бир йил унинг учун касб ўрганиш мактаби бўлди. Кейин-чалик Ўғилло ўз фаолиятини Ўзбекистон ССР ва Ўзбе-кистон Компартиясининг 50 йиллиги номи тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида давом эттирди. Мана, тўққиз йилдирки, чевар қиз корхонанинг эркаклар кос-тюмларини тикши ҳеҳида меҳнат қилляпти. У ойлик план-топшириқларини 110-120 процентга адо этиб, костюм-шмилларнинг аъло сифатини таъминляяпти. Илгор тикувчи ҳеҳдаги комсомол-шлар бригадасининг аъзоси.

М. Нуриддинов фотоси.

КОМПЬЮТЕРЛИ ПОТОК ЛИНИЯ

© «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашма-сида янги ҳеҳ ишга тушди.

Бу ҳеҳнинг бошқалардан фарқи шундаки, ўрнатилган ти-кув ускуналарини Франция, Япония ва ГДРлик мутахассислар тайёрлаган бўлиб, компьютерли потток линиядаи ибрат. Бунинг қўлайлиги шундаки, бир йўла эркаклар ва аёллар ен-гил пальтолари тайёрланади.

— Айни кунларда ҳеҳда иш икки сменада ташкил этилган. Бир сменада 120 тикувчи ишлаб, иш давомига 540 та сифатли енгил пальтолар тайёрлашга эришмоқда, — дейди бирлашма бош инженери А. И. Гончарова.

Доимий комиссиялар фаолиятдан

лан, биргина Байналминал кўчаси бўй-лаб ўтувчи «Октябрь» каналини олай-лик. Унинг атрофида истиқомат қилув-чи аҳоли канал киргоғининг ифослигидан шикоят қилиб, уни реконструкция-лаш юзасидан ҳар йили депутатларга нақаз беришади. Доимий комиссия ўз йиғилишида ушбу масалани кўриб чиқ-ди ва уни бўлажак сессия кун тартибига киритди. Қатнашчилар бир овоздан бу таклифни қўллаб-қувватлашди. Ҳозир канал бўйлаб кенг планда реконструк-ция ишлари бошлаб юборилди.

Уй-жой ҳўжалиги ва ободонлаштириш доимий комиссиясининг район ободо-лаштирувчилар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориши самаралар натижа бермоқда. Яқинда комиссия аъзолари яна бир ибратли ишга қўл ўрдилар. Улар территорияларини маълум корхо-наларга бўлиб беришди. Энди у ерда-ги озодалик ва ободонлаштириш ишла-рига мутасадди корхоналарнинг ўзлари жаавб беришадиган бўлишди.

Комиссия яқинда «Шарқий-ғарбий саноат зоналари территориясини ободо-лаштиришда саноат корхоналари ва ташкилотларнинг қатнашувини тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб махсус қарор қабул қилди.

Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, ободонлаштириш ишига маҳаллалар қандай ҳисса қўшишмоқда? Масалан, А. Абдуллаев бошчилиги қилаётган Дўмбробод маҳалласини олайлик. Маҳаллада 1200 хонадон яшайди. Улар ҳар бир ишни ўзлари бажаришга ўрга-ниб қолшган. Арзиман иш учун район ижроия комитетига югуришмай-ди. Мақда-чўкделарни ҳашар йўли билан бартараф этишади. Қани энди бар-ча маҳаллалар ҳам шундай бўлса.

Юқордаги ҳар иккала комиссия, доимий комиссиялар район Совети ижроия ко-митетининг ҳаққини таъияга айланиб бермоқда. Бу биринчида, Советлар борики тобора ошиб бораётганидан дало-лат берса, иккинчидан, революцион қайта қуриш депутатлар группасини бириктирган доимий комиссиялар фао-лиятига ҳам чўқур кириб бораётганли-гини кўрсатади.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Ишончли таянч

ранс ўринбосари, В. Ш. Бут эса комис-сия секретари этиб сайланишган.

Районда 19 та маҳалла бор. Ўтган йиллар давомига бу жойларда талай ободончилик ишлари амалга оширилди. Бир ярим йил мобайнида район терри-ториясига 41 минг туп турли даррахт кўчатлари ўтказилди. Улардан 8 ярим мингтаси мевали дархатлардир. Бун-дан ташқари ободонлаштирувчилар 12 километрдан ортиқ йўл ва йўлчаларни асфальтдан чиқардилар. Улар орасида маъсвийнинг 2, 3, 16, 17-кварталларидаги кўча ва майдонлар бор.

Ободонлаштириш ишлари бўйича кат-та ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, И. Усмонов кўчасининг 3, 4, 5-чегаралари, Иван Франко, Байнал-минал, Профдари, М. Бобоев, Қ. Қоди-рин, М. Турсунқўаев, Волгоград, «Правда» кўчалари тўла капитал ремонт қилинди. Бу ишларни амалга ошириш-да, албатта уй-жой ҳўжалиги ва ободо-лаштириш доимий комиссияси аъзо-ларининг муносиб улушлари бор. Маса-

Республика бўйлаб

© ҲЕЧАН КўРА КЕЧ

Урганч 1-техника хизмати станциясининг коллектив и-а-томобилга хизмат қўрсатиш-нинг янги турини жорий этиди. Бу ерда Хорамда дастлабки типовой автомат ювиш қурил-маси фойдаланишга топширил-ди. Станция инженерлари ва автослесарлари кўмаги билан ускуналар монтаж қилинди. Автомат ювиш санокли дақи-қаларда ҳар қандай марказдаги енгиш машинага хизмат қўр-сата олади.

Қурилма жуда созу, лекин ишга туширилгунга қадақ қар-ийб 20 йил бекор тургани ёмон. Областининг бошқа тех-ника хизмати станцияларида, масалан, Хива станциясида ҳамма учун керакли бўлган ана шу ускуна ёмғир ва қор тағида сочилиб, занглаб ётиб-ди.

© ЭЛИККАЛЪА ЧУЛУҚВАРЛАРИ УЧУН

Элиқкалъя кўрққ совхозин-нинг деҳқон ва чўпонлари Қорақалпоғистон телевидене-си қўрсатуларини томоша қила бошладилар. Ўзстон рай-он марказида телевизион рет-рансляция станцияси ишга туширилди. Нукус ва Тошкент мутахассислари станция қури-лишида иштирок этишди.

Янги станциянинг қуввати катта эмас, аммо райондаги барча ҳўжаликларни Нукусдан телевизион қўрсатуларини барқарор трансляция қилиш учун етарлидир. Бу йил Қора-қалпоғистоннинг яна икки районида — Чимбой ва Тахта-кўприда ана шундай станция-лар ўрнатилади.

© ТОГЛИ ҚИШЛОҚЛАР БИЛАН АЛОҚА

Тошкент облатининг баянд тоғдаги Нишоби посёлкасида радиотелефон ўрнатилди. Маз-кур аҳоли пунктда истиқомат қилувчи кишилар бу қурилма ёрдамида энди шаҳарлараро код орқали Совет Иттифоқи-нинг қўпгина шаҳарлари би-лан боғлана оладилар.

Аппаратлари маҳаллий бюджет маблагидан харид қилдилар. «Антреевский» ра-ио-релизлаги доволардан махсус телефон линияси ўтказишга эҳтиёж қолмади. Бу эса анча қимматга тушиб, ундан фой-даланишда ортинча кийинчи-ликларни юзудга келтириши мумкин эди.

Нишобшдан бир неча кило-метр тепароқда жойлашган Лапкерек посёлкасида ҳам ана шундай радиотелефон ўр-натилди.

(ЎЗАТГ муҳбирлари).

Уй-жой қурилиши «Оқшом» назоратида


Юксалаётган қаватлар

Ишонинг келмайди: кечагина ертўла-лари қазиб бўлинган уйнинг бугунги бўй-баста одамни ҳайратга солади. «Буни қа-ранг-а, бир зумда тиклаб қўйишди, аза-матлар!» дея эътироф этадилар. Аслида эса бу бир зумнинг бутун бир заҳмати, меҳнати бор. Қўрувчиликда катта гап кет-майди. Ҳар бир иш аниқ мақсадга, тажри-бага асосланган бўлади. Чилонзор райони-даги Гулистон массивининг қиёфасига алоҳида файз бағишлаб турган бу 59-уйни барпо этишда ҳам шу принцип иш берди. 194 квартиралари янги турар жой биносини давлат қабул комиссияси камчиликларсиз қабул қилиб олди. Ўз меҳнатлари алоҳида баҳога сазовор бўлгандан қўрувчилар қувонишди.

— Энди уй-жой қурилишини яна ҳам жадаллаштириш мумкинлигини сезиб ту-рибмиз,— дейди бош пудратчи — 2-уйсоз-лик комбинатининг 4-қурилиш бошқарма-сига қарашли участка бошлиғи Омон Ёта-мбердиев. — Бу аввалги нисбатан кенг иш фронти яратилаётгани билан изоҳлана-ди.

Участка бошлигининг дадил фикрлари бежиз эмас, албатта. Тўла ҳўжалик ҳис-оби қурилиш ташкилотиди бу илдан қарор топти. Янги усулнинг катта иқтисодий самарасига эришиш учун тийини ҳам ўр-нига қўйиб ишлатиш, ундан максимум да-ражада фойдаланиш жоиз. Давр талаби ҳам ҳозир шундай иш юритишни тақозо этимоқда. Қўрувчилар бунинг уддасидан чи-қидилар. Чунки ҳўжалик ҳисоби қўрувчи-ларнинг қўн тартибига биринчи марта қўйилганга йўқ. Коллективизм бу борада ўзига хос тажриба тўплаган. У нимадан ибрат? Биринчидан, участкада коллектив пудратининг кенг қўлланилганлигидан. Иккинчидан эса шу асосда меҳнатни таш-кил этиш КТУ системаси бўйича олиб борилаётганлигидан. Акс ҳолда қўрувчилар бу кадар муваффақиятга эришмаган бўлар-дилар!

— Ҳаммаси қайта қуриш шарофати,— дейди биз билан суҳбатда тажрибали бри-гада етакчиси Леонид Мавриди. — Ҳозир планларини ошириб бажарилляпти. Бу авва-ло ҳар бир босқичда иш жараёларининг узилишига йўл қўйилмаётгани учун ҳам шундай бўлмоқда. Мана, бир мисол. Бат-



зи бир сериядаги бетон плита ёни қурилиш материалларининг етишмаслиги туфайли илгари ҳафтаб-иккинчи даражали ишлар билан машғул бўлиб қолар эдик. Ҳозир эса тамоман бошқача: ишнинг қўллингидан қўл-қўлга тегмайди. Бундай йўл ишгаёқ бўлса бас, хоҳлаганинча ишлайверсан. Муддатидан олдин сифатли тақарилган иш учун сени мукофот ҳам қуади. Мана, топширган уйимизни қуришмизда бирон марта ҳам хом-ашё танқислигини сезмадик. Демак, бундан факатгина шунай ҳўлоса чиқариш мумкин: туб иқтисодий ислохот ҳамма жойда ўз кучини кўрсатмоқда!

Бригадир ҳақ. Ўнг муҳим га эса маса-ланинг бошқа томониди. Авваё қўрувчи-ларнинг ўзлари масъулятини чўқур ҳис этишмоқда. Улар жоиз бўлса, югуи кеча-гидан, эртага эса бугунгидан яшироқ иш-лашга интиломқдалар. Волода Соломахин, Леонид Ковалевский, Геннадий Архипов сингари қўрувчилар ана шу қўқур мақса-дни юзага чиқаришдан қўч-ғаратларини аямаяптилар. Уларнинг ишни қузағиб туриб, уй-жой қурилишдаги бунинг жадал сурьатлардан қўнгли кўтарилад кишининг, Янги уйларга тобора ортиб бораётган та-лабининг қондирлишига дилда ишонч уй-ғонади.

Бинокорлар жадал сурьатда тиклаётган массивдаги яна бир бино келгун ойда юз-лаб ондаларни ўз бағрига олади. Бу қу-вончини ҳамшаҳарларимизга қўрувчилар улашмоқдалар. Маскур объекта улар ян-ги уйни қабул комиссиясига музаффақият-ли топширганларидан сўнгини ўтишди. Ўтган йили уларнинг фидокорна меҳнат-лари эвазига тўққиз қаватли ута янги уй массив жамолини безаганди. Эндиликда эса яна шунча бионинг қавалари қун сайин юксалиб бормоқда!

Р. АХМАДЛИЕВ.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

♦ ДАМАШҚ. Сурия пойтах-тидан олинган хабарларга қў-ра, Исроилининг Негев савро-сида жойлашган «Анисор-Три-ўли» лагерининг махбўслари Исроил соқчиларининг мах-бўсларга нисбатан ваҳийлар-ча муомаласига қарши, қий-ноқларга, лагерь маъмурлари-нинг кундалик калтаклашлари ва ҳўрлаб таққирлашлари қар-ши норозилик белгиси ос-тида очлик эълон қилдилар. Ажал лагеридида номлоқ аҳоли-га тушиб қолган кишилар ўз-аулкорларига қарши қўзго-

лон кўтардилар, бироқ қўз-голон соқилар томонидан шафқатсизларча бостирилди.

♦ БАҲКОК. Утган йил Та-иланда табиий офатлар қўла-ми жиҳатидан рекорд йил бўлди. «Аср тоққинчи» оқи-батлари мамлакатнинг 12 та жанубий вилоятида ҳамон ту-ғатгани йўқ. Хукумат қўра-ётган фаол чора-тадбирларга қарамай, қўп минглаб киши-лар ҳанузгаёча бошпанасиздир, йўллар, қўриқлар, мактаблар вайрон бўлган. Ааммо бу вай-ронгарчиликлар ҳам «оддий» ди.

(ТАСС).

Объективда—Эрфур



Германия Демократик Республикаси. Гутер Кю-тернинг қалбини ром этган, уни хўшоҳанг гузика са-доларининг муҳлисига айлантирган нозик на савдолари Эрфурт шаҳрида истиқомат қилувчи ана шунинининг меҳнат таржиман ҳолда муайян роль ўйнади. Икки йил муқаддам у ана шундай чолгу асбобларни асо-вич республикадаги ягона уста бўлиб қолди. У ёнқоқ дарахтидан ўйиб ясаган турли узунликдан найчалар маълум тарзда бир-бирига жойлашиб, асалари мумин билан маҳкамланади, сўнгра кол билан қопланади. СУРАТДА: уста ўзи ясаган чолгу асбоби йили. АДН—ТАСС ютоси.

КАЛЕЙДОСКОП

АМЕРИКАНИ ТЎТИҚУШЛАР ОЧИШГАН

Америка қитъаси очил-ганлигининг беш юз йиллиги арафасида испан олимлари ана шу воқеа билан боғлиқ ғаро-йиб фактларни аниқ-ладилар. Маълум бў-лишига қараганда, Колумб интиқ қитъани кашф этишганга... тўтиқушлар ёр-дам беришдан экан. Бу шундай бўлибди. Испан кемеда-рининг қарвони бепойб океан кенглиги-да адашиб юрган бир пайтда командорнинг ҳамроҳи Пинсон кунбо-

тарда жанубий-шарқ то-монга учиб бораётган тўтиқушларни кўриб қо-либди. Тақрибали денгиз-чи Колумб қўшларнинг ўз ётоқларига, яъни қу-руқлик томон учиб бора-ётганини тушунибди. Ке-малар йўналишини ўзгарти-рилибди ва орадан кўп ўт-май денгиз саяхатчилари Америка соҳилларига қадам қўйишди.

ЮБИЛЕЙГА БАҲИШЛАБ

Франция почтаси ода-дан ташқари маркани 1989 йилда муомалага чиқаришга тайёрлаб қўй-ди. Ҳаройиб марказдаги ёзувлар биринчи марта одатдаги ҳарфлар билан-

гина эмас, қўлар афи-беснинг бўлма белги-лари билан ҳам қайд этилган. Мара... қўрлар учун мўлжалланган. Маз-кур почта интиатораси 2 франк 20 сентим қий-матга эга бўлиб, 1791 йилда кўр бошлар инсти-тутига асос қўйилган Вал-лентен Ауга бағишлан-ган. Марка Ан номи билан адалувчи Франция уюшмасининг 100 йилли-ги арафасида муомалага чиқарилади. Маркада кўрлар афлибсининг бел-гилари билан тўлдирил-ган бир варақгоғоз тас-вирланган бўлиб, «Кўр-лар бахт-саодиги учун» деб ёзилган.

Халқ таълими ислоҳоти



— Баҳодир Қирғизбоевич, олий ўқув юртига келадиган абитуриентларнинг билим савияси ҳақида қандай фикрдасиз?

— Очирини айтсам, ўтган йили физика факультетига ҳужжат топширган абитуриентлардан хурсандман. Айниқса, Хоразм областининг Шовот районидан келган ёшларнинг билими кучли экан. Чунки у ерда физика фанини чуқур ўргатадиган махсус мактаблар ташкил қилиниб, яхши ишга қўл уришибди. Шундай мактаблар республикамизнинг ҳамма районларида бўлса қанчалик...

Илгарилари бизнинг факультетга бир ўринга бир-икки талабгор ҳужжат топширарди. 1988 йилда эса улар олтигача етди, кўплари ўғил болалар. Бу йилгиларимизда, шу билан бирга ота-оналарда физика фанига, умуман педагогикага қизиқиш кучайганидан далолат беради.

Малакали мутахассис—юрт бойлиги

— Шу ўринда факультетнинг ўрта мактаблар билан алоқаси ҳусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Факультетимиз унча катта эмас. Бу йилдан бошлаб бизда 268 ёш ўқияпти. Мактаблар билан алоқага келсак, физика ўқитиш методикаси кафедрасининг олиб бораётган ишлари мақтовга лойиқдир. Кафедра профессори Ботир Мирзахожеев Тошкент ва Тошкент областидаги мактабларга бориб, тез-тез суҳбатлар уюштириб туради.

Биз Тошкент шаҳридаги 59 ва 89-ўрта мактабларни ўз оқимимизга олганмиз. Улардаги физика кабинетларини, лабораторияларини жиҳозлашга, дарсларни ташкил қилишга педагогларга ёрдам берамиз. Педагогларда катташамиз, кафедра йиғинларига, давлат имтиҳонларига ўша мактаб ўқитувчиларини тақлиф қиламиз. Факультетимиз студентлари ҳам шу мактабларда педагогик практикалари ўтказишади. 89-мактабда яхши бир тақрибдан йўлга қўйганмиз: студентларнинг биринчи пара дарслари мактабда ўтказилди, кейин ўзлари дарсга киришди. Бу уларни ортиқча чоп-чоп, югур-югурлардан кутқаради.

— Ёшлар ўртасида илмий-тадқиқот ишлари қандай ташкил этилгани ҳақида ҳам гапириб беришсангиз.

— Ёшларга назарий ва амалий билим бериш учун аввало моддий-техника базасини яхшилаш керак. Бу ҳақда мактаб ислоҳоти қарорларида ҳам, XIX Бутуниттифок партия конференциясида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ҳозир бу масалалар эътиборимиз катта. Яқинда факультетимиз янги «Ўқув лаборатория корпуси»га кўчиб ўтди. Кабинетларни замонавий жиҳозлар билан таъминлашамиз. Маскандимиз ёш ўқитувчиларни илмий ишга қизиқтириш, талабалар билиминини ошириш, кўплаб малакали мутахассислар тайёрлашдир.

— Факультетимизда яхши анъана бор: ўқув жараёнини кўтариш учун юқори курсларда ўтказилган махсус курс лекцияларига Москва ва бошқа шаҳарлардан етук мутахассисларни тақлиф этганмиз. Булардан ташқари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси ҳамда физика-техника институтлари, ТошДУ физика факультети, университет қошидаги Амалий физика бўлими билан ҳам илмий ҳамкорлик қи-

лашим. Масалан, университет физика факультетининг ярим ўтказгичлар кафедрасида студентларимиз лаборатория ишларини бажаришди, курс ишлари бўйича консултациялар олишди. Бу ишларда кафедра мудири, физика-математика фанлари доктори Сирокидин Зайнобидинов бизга яқиндан ёрдам бермоқда.

— Мактабни битирган ёшлар ёшларини кўпроқ илмий-ишчилик фаилар мутахассислигига ўришади. Айниқса, бу ҳолни йилларимиз орасида учратиш мумкин. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Гапирганда жон бор. Бунинг сабабини узоқдан қидиришга ҳожат йўқ. Айб ўзимизда: биз — педагогика институтларининг айрим ўқитувчилари талаба даражасида ишламаямиз, яхши мутахассисларни кўплаб тайёрлай олмаймиз. Масалан, тургунлик йилларида институтларга қабул қилишда ҳам хатolikлар бўлган. Ўз соҳасига меҳри йўқлар ҳам ўқишга кириб олишар эди. Ўшлар амал-тақал қилиб дипломга эга бўлишадими, мактабга боришади. Энди улар ўқитган болаларнинг физика фанидан билим савиясини кўз олдингизга бир келтиринг...

— Яна бошқа сабаблар ҳам бор. Ўнлаб мактабларда физика лабораториялари йўқ, борлардан ҳам тузукроқ фойдаланилмайди. Гоҳо шундай кулгили ҳолатга дуч келасан: ўқитувчиларнинг ўзлари амперметр, вольтметрни ишлатишни билишмайди. Шундай бўлсач, улар ўқитган болалар қандай қилиб физикага қизиқсини? Яна ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ишларига ҳам пажна орасидан қарамаслик керак.

— Бу йил факультетда очилган янги бўлимлар, келгусидаги пайларингиз ҳақида ҳам кичик оғиз...

— Ўтган йили факультетимизда физика ва ҳисоблаш техникаси мутахассисини тайёрлайдиган бўлим очилган эди. Унга 1987 йилда иккита, бу йил эса учта гуруҳга қабул қилинди. Бизда яна физика ва астрономия бўлими мавжуд. Режаларга келсак, агар бизни кўплаб-қувватлашса тагин иккита: физика ва тарбиявий ишлар методикаси ҳамда физика ва чет тиллари бўлимлари очилиши мумкин.


— Ўз соҳаңгизда нималардан кўнглингиз тўймайди?

— Республикамаиздаги кўплаб олий ўқув юртиларида физика ўқитиш методикаси бўйича кандидатлик ишлари қилинмоқда. Мутахассислар тайёрланяпти-ю, лекин улар илмий ишларни вақтида ҳимоя қилишга олмапти. Сабаби — илмий кенгаш йўқ. Оқибатда улар Москвага бир неча марта бора қатнашга мажбур бўлишади. У ерда эса навобат тигиз. Навбат кутиб ёш олимларнинг икки-уч йил умри ўтиб кетади, илмдан кўнглилари совийди. Кейин статистикада ҳам Ўзбекистонда ёш олимларнинг кандидатлик ҳимоя қилиш ўртача ёши қирқдан ошди деб кўрсатилмаверади. Ақалли ўрта Осиё регионидан битта илмий кенгаш бўлса ҳам майли эди...

— Яна тайёр мақолаларини чиқариш жуда қийин. Бу биринча бизда эмас, балки республика миқёсидаги муаммодир. Тўғри, қилган ишлар, ёзилган мақолаларнинг бир неча йиллигини йиғиб тўпламлар чиқарамиз. Лекин бу ҳам уч-тўрт, ҳатто беш-олти йилда бир бўлади. Шу ўринда Ўзбек мактаблари учун физика фани ўқитиш таълиминга оид илмий йўналишдаги алоҳида бир журнал ташкил қилинса, бу ҳусусда мутасадди раҳбарлар ўйлаб кўришса яхши бўларди. — «Тошкент оқшоми» газетасига қандай тилакларингиз бор?

— Одамлар ҳаёти ҳақида, институтлардаги ўқув ва илмий жараёнлар тўғрисида кўпроқ ёзилса деган истатим бор. Чунки уларда бўлаётган янгиликларни қўллар билмайди. Кейин ўқитувчилар ҳақида, айниқса, мактабларда узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган, ўз касбини жон-дидан севадиган, ўқувчиларга чуқур билим берадиган, коллектив ҳурмати қозонган яхши ўқитувчилар ҳақида кўпроқ ёзилса.

— Раҳмат. Суҳбатни Аҳмад ДАМИНОВ ёзиб олди.



ЯНВАРЬ

Буюклар бисотидан

Ҳар нарсга ўзгарар, эскирар бари,
Лек дўстлик ёшарар вақт ўтган сари.
Наф излаб дўстлигини пеш қилса ҳар ким,
Эҳтимом у дўстдан афзалдир ганим.

Абушукр БАЛХИИ.

Дўстларнинг қай бири буюк ва асил?
Агар овозидан йираб кетса дил?
Абулқосим ФИРДАВСИИ.

Бир тилдан чиқса гар дўстлар муруди,
Бўғизда бўғилар ганим фарёди.

ФАРҲУХИИ.

Айрилиш осондир истаган пайтинг,
Аммо ошнолик-чи, осонми, айтгин?

ГҲРҲОНИИ.

Юз йилда битта дўст топишнинг қийин,
Бир кунда юзта ёр топишнинг тайин.
Дўстлигидан қолса гар калтакнинг нақши,
Душман бўласидан минг бора яхши.

Асад ТУСИИ.

Дўст дўстнинг кўзгуси, йўқдир бунда
Сир,
Чунки жону дилга гар иккиси бир.

Зийрак билан зиндон худди гулистон,
Ноҳил билан бўстон зиндондан ёмон.

Носир ХИРСАР.

Ҳамдард ёр топишмас ҳар қайда ҳар
Чоқ,
Аммо ҳар қадамда бордир ҳамтовок.

Емоидир дўстлиқдан бўлса гар йироқ,
Лек дўстдан кетган ундан ёмонроқ.

Сотмас ҳеч ким бир айб учун дўстини,
Бир бурда деб кўйдирмағай дўстини.

САНОИИ.

ЖОНИБЕК таржималари.

Ёш оналарга

Нафас гимнастикаси

«2,5 ёшли бола нафас олиш машқларини қандай бажариши мумкин?».

Асосан бу ёшдаги болалар учун ўйинга хос машқлар тўғри келади, албатта. Масалан, бармоқ билан бурун тешигининг биттасини ёпган ҳолда иккинчисидан нафас чиқарилади. Бу машқ давомиди оғзини юмиб турарди.

Боланинг кафтига қороз парчаси ёки момикча нафас сангиз, бола қизқиб, қаттиқ пуфлашга ҳаракат қилади. Бундай машқлар учун пуфлаб шиширишга мосланган кичкина ҳажмдаги ўйинчоқлардан фойдаланиш мумкин. Бу ўйинчоқларни пуфлаётганда бола чуқур нафас олиш билан бирга чуқур нафас чиқаришни ўрганади. Нафас машқлари ҳамма болалар айниқса нафас йўллари шомоллаганда, нафас йўлларида инфекцияси бор болалар учун жуда фойдалидир.

Фарзандларингиз учун тўғри келадиган комплекс машғулотларни участка педиатри таллаб бериш мумкин.

Аччиқ дори

«Аччиқ дори ёки порошокларни болага шакарли сув ёки қиём билан бериш мумкинми?».

Дорини оқшарингиз айтишларига, шакарли сув дорини сўришнинг секинлаштирадиган, бироқ унинг организмга таъсирини заҳир қилмайдиган.

Шунинг учун аччиқ порошок ёки таблеткани бола ича олмаса, ичиб туриб қусиб юборса, ширинликдан фойдаланиш мумкин.

Сўлак оқиши

«Гўдакда сўлак оқиши тиш ёришидан дарак беради, дейилиши ростми?».

Ҳа, болада дастлабки тиш ёришдан олдин сўлак бешиқлари зўр бериб ишлаб бошлайди. Бироқ хамма ҳам шундай бўлмаслиги мумкин. Сўлакда минерал (маъ-

дан) моддалар, тиш сиртки қавати таркибига хусусан, кальций бор. Сўлакни мушталаб равишда док дастур билан артиб туриш, тери яллиғланмаслиги учун ялкан крем суриш керак.

—Красногорскдаги «Чотқол» маданият уйида «Дунё расмол кўзи билан» деган мавзуда кўча кўргазма очилди. Уни Ўзбекистон ССР Маданият ва кинотеатрлар бадий кўргазмалар ва панорамалар дирекцияси уюштирди. Таниқли расмоллардан В. Ефимов, В. Шевченко, А. Циглицев, Г. Шевяков, Б. Котлов ва бошқа мўйқалам усталарнинг ранг-тасвир, графика, акварель бўён билан яратилган асарлари экспозицияга қўйилган.

—Красногорскда санъат шинавдалари кўп. Маданият ҳаётга иложи борича кўпроқ одамларни тортишга ҳаракат қили-

«Саодат»нинг 1989 йил январь сони босмадан чиқди. Бугун журналхонлар ҳукми ҳузурига йўл олаётган журналистнинг бу сони бадий безатилиши жиҳатидан ҳам мазмунан янгиҳа, аввалгиларидан яхшироқ чиқиши учун қарийб уч ой давомиди изланиб ишладик, деса бўлади.

«Саодат»нинг асосий қаҳрамонлари бўлган республикамиз хотин-қизлари ҳаёти, меҳнати, дам олиши, маънавий юксалиши, оналик ва болалик масалаларида оғриқли муаммолар шу қадар кўпик, бу муаммоларнинг ечилишига ҳисса қўшмоқ — «Саодат»нинг биринчи вазифаси.

Журналинг январь ойи сониди ҳам мазкур масалалар энг асосий материалларнинг мағзига сингдирилган.

Янги йилда яна бир янгилик — Ўрта Осиё ҳамда Қозғистон республикалари хотин-қизлар журналлари билан ҳамкорлик қилиш, қўшма номер чиқариш режамизни амалга ошира бошладик. «Саодат»нинг январь ойи сонига «Занон Тожикистон» («Тожикистон аёллари») журнали меҳмон бўлди. Дугоналаримиз учун

ажратилган саҳифаларда «Занон Тожикистон» журналининг бош редактори Мавжуда Ҳакимованинг «Дўстона мулоқот» мақоласи, журналист Ўринбой Усмоновнинг Тожикистон ССР халқ артисти Сайрам Исоева билан суҳбат, интернационал-жангчи Ҳабибулло Содиқов ҳақидаги лавҳа, тожикистонлик шоирлар

Гулҳебра Сулаймонова, Жамшидиннинг шеърларидан намуналар ўрин олган. Шунингдек, дугоналаримиз журналининг уй бекаларига бағишланган «Нисо» саҳифаси ҳам «Саодат» меҳмони бўлди. Булардан ташқари Чори Латиповнинг «Янги йилдан умидларимиз», Замира Рўзиевнинг «Бир ёқадан бош чиқарсак», Марҳаба Мамадалиеванинг «Ипаклар гулга айланди» мақолалари, Умид Аҳмадининг «Нега йиғлашасиз, қорбобо?», ҳикояси, Инобат Нормуродованинг шеърлари журналдан ўрин олган. Академик Эркин Юсупов билан шоир Аъзам Ўтманиннинг суҳбати ҳам кўнглимизга манзур бўлишига шубҳа йўқ.

Сўзимнинг энг аввалидан бошлаб тилимнинг учнда турган ганим хотима қил-



моқчиман: кенг «Саодат» хонлар оmmas билан яна бир бор учрашувимиз учун имконият яратган, «Саодат» ни ҳар ойда бир марта меҳмон қилишни режалаштирган «Тошкент оқшоми»нинг барча заҳматқашларига редакциямиз ҳодимлари чин дилдан миннатдорчилик қилишди.

Муҳтарам УЛУҲОВА, журналининг масъул котиби.

Шовуллайди хазонрез чорвоғ

Мана ёғир, мана туман, куз,
Шовуллайди хазонрез чорвоғ.
Биламан, сен ўтмишнинг очиб,
Варақлайсан, варақлайсан — доғ.
Ишонмайсан, ўтмиш ёки туш
Ёғир қўшиқ айтаётгани.

Унутилар ғариб қулбандга,
Қора қумгон қайнаётгани.
Унутасан, бамисли ҳайкал,
Кимсасиз боғ ичра қолсан.
Догин юмб кетолмас ҳеч ким,
Хотирангиз қўлга олсан.

Варақлайсан, ёғир тинади,
Яна кетиб қолади туман.
Шивирлайсан: «Хамма билади,
Сени жойдан ортиқ севаман!».

Инобат НОРМУРОВОДА.

УЙЛАРИНГИЗ ҚЎШИҚҚА ТЎЛСИН

ҚЎШИҚ — байрамларнинг кўр-ки, юрагимизнинг малҳам. Шодлигимизнинг ифодаси. Қўшиқ жанрларга, демек, тинчлик, омонлик, кўнглимизда покиза ният бор.

Ўтмишда аёллар ўз қўшиқларини баралла айтишдан ҳам бебаҳра бўлишган, фақат боласига алла айтиб юрарларини ёганлар. Оналар фарзандларига, набираларига шундай аллалар айтишарди-ки, эшитган кишининг кўнгли болайди бегубор бўлиб кетарди. Болаларнинг юраги эзулинка тўларди.

Ҳозир кўпларимиз алла билмаймиз. Қиз узатиб бораётганда ёр-ёй айтувчилар саноклигина.

Менинг аям — Мафҳураҳоним аллани жуда яхши айтардилар. Ох-оҳ, овозлари кўнглимизда эди. Менинг қалбимга, балким, онамнинг аллалари қўшиқ меҳрини солгандир, эсимни танибманки, қўлайман.

Қирқ бешинчи йили ўн ёш ёшмида мана шу ўзинимнинг Қў-қондаги Мўқимий номли шойи-тўқни фабрикасига ишга кирганман. Цех менинг саҳнам, станоклар дуторим эди. Ўн икки йил

ишладим. У ер-бу ерда қўшиқ айтиб юрдим. 1957 йили Ҳамза номидаги Қўқон музикали драма ва комедия театрига ишга тақлиф қилинди. Ўша-ўша театрда артисткам. Анчагина роллар ўйнадим.

Халқ қўшиқлари жон-дилим. Шу қўшиқларни яхши ўрганиш, халқимизга тўлалигича тўхфа этиш ниятида 1981 йили «Омонёр» номли фольклор ансамбли тўздим. Ўйима-уй юриб бўлсам, халқ қўшиқларини яхши биладиган ая-жонларнинг юрагига аста қўлиб, ансамблга тордим. Ҳадаҳон ая, Биндохон ая, Шарофатхон ая, Ҳосият ая — ҳаммалари 25 нафар. Ҳолхоз-совхозларда, маҳал-ларда аjoyиб концертлар қўя-лигимиз. Телевизордаям кўрган-сиз балки.

Яқинда бир тўйга боргандим. Маҳалла кенсаларининг талабаларига кўра овозни баланд қилиб берадиган микрофони ўчириб қўйишди. Ҳақиқий санъаткор шундоғам айтиверадим, дейишди. Лиқопчани олиб, даврага тушдим. «Тўлау-рмон»ни айтдим. «Бағ»ни. «Қўп-йишанг»ни айтдим. Одамлар эшитишди. Ахир ўзингиз ўйланг.

Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ҳалима Носировалар микрофон-сиз қўшиқ айтиб, халққа танилишган-ку.

Микрофонларни баландлатиб, сершовкин базм қилинишга қаршиман. Метёридан ошмаслик, етти маҳалланинг қулғонини батани қилиш маслиҳат керак. Ахир яхши қўшиқ, ширали овоз ҳеч қандай дабдабасиз ҳам юракка бориб етатиди.

Телевизор, радио — бу бошқа гап. Ёшларга айтадиган гапим шунки, енгил-елли қўшиқлар, бақирок музикалар ўрнига халқ қўшиқларини, халқ севган санъаткорларнинг ашуларларини ўрганайлик ва қўлайлик. Қўшиқларимизда назорат ва нафосат бўлсин!

Мана, Янги йил ҳам кириб келди. Сенимиз «Саодат» журналимиз орқали аёлларни, қизларни — ҳамма-хаммани чин дилдан табриқлайман. Янги йил ҳаётимизга янги қўшиқлар олиб кирсин. Қўшиқларимиз меҳнаткан, бағри кенг, меҳри улғў аёлларимиз қалбига эзулинка ва ором бағиришсан.

Раҳима МАЗОХИДОВА, Ўзбекистон ССР халқ артисти.

Умумиттифок миқёсида болалар соғлигини муштамаллаш учун қатор тадбирлар амалга оширилипти.

Лекин Ўзбекистонга Иттифок миқёсидаги ўртача миқдордан кам маблағ ажратилди. Ҳар хонадонда икки-уч боласи бўлган Бол-

Соғлом болалик—баркамол келажак

тиқбўйи республикалари учун ҳам, оилалари 8-10 болали Ўзбекистон учун ҳам бир хил тақсими. III республика болалар врачлари сўзиди ана шу социал адолат масаласини ўртага ташлар, деб умид қилган эдик. Бизда доим яхши дори-дармон, даволлаш асбоб-усуналари камчилиги, кадрларнинг савияси пастлиги сезилиб туради. Сўзд бу муаммоларни ҳал қилиш тадбирларини белгилаш керак эди. Муаммо ечимлай қолди.

Рашида ДУЛКИНА:

Эркаклар тарбияга муҳтож эмасми?

(СУҲБАТДАН ПАРЧА)

Ҳозирги аёлларимиз бундан 70, ҳатто 20—30 йиллар олдин, аёл аёллардан тўбадан фарқ қилмади, лекин ҳамон уларни леңчилар, суҳбатлар, учрашувлар, мажлислар ўтказиш йўли билан тарбияламоқчи бўламиз. Газета-журналларга ёзамиз, мақалаларни байрамларда тандираймиш... Бир на-рашда аёлларни жуда ардоқла-таганга ўхшаймиз. Лекин неча қишлоқ мойларда «Бу ҳаётдан тўйдим!» — деб ўз жонига қасд қилувчилар кў-пайиб кетди? Ҳамма нарсга муҳайё-ку! Нега ҳаётни, бола-

ларни жуда яхши кўрадиган аёл сўнгги йўлни танлаётми? Мен бу масалалар биринчи навбатда раҳбар ҳодимлари, иккинчи навбатда эркакларни айбламан. Янгилик ва қизларни онавий ҳаётга тайёрлаш вазифасига деярли эътибор йўқ. Қизлар бўлмаган онда, уй бекаси экан-лиги ҳақида сўзлашмиш-у, на матбуотда, на йиғилишларда балогат ёш, йиғитлики даври муаммолари, аёл киши билан танишиш ва унга

муносабат, умр йўлдош тан-лаш, кўнгли — эрлик, оталик вазифасио бурчи, шухратиди ҳақида ҳеч ким оғиз очмайдиган. Эркаклар ҳақида тарбияга муҳтож эмасми? Нега айрим эркакларнинг нотўғри йўлга кириб кет-таётганини йўл-билиб турган партия, насаба союз, комсомол раҳбарлари уларни тўғри йўлга бошлаш учун очиқ-ошкора гаплашмайди-лар.

Бундай фожиалар, наҳотки, мактаблар олдида ҳеч қандай вазифа қўймаса?

Жонажон Ватан бўйлаб

МОСКВА. СССР Алоқа

министрлиги Ҳайвонот бог-ларига ёрдам фонди билан биргаликда тайёрланган, беш почта маркасида иборат одатдан ташқари маркалар туркумини чиқарди. Маркалар ҳайрия йўлида чиқарилган. Фонд эмблемаси туширилган купон ва айиқ, бўри, тулки, тўғиз, сивосини тасвирланган маркалар бир варақ қорозда жойланган.

В. Хухлаев репродукцияси. ТАСС фотохроникаси.



БЕЛОРУССИЯ ССР.

Минск яқинидаги Гатова

шаҳарчасида Италиянинг

«Кончерне коголо» фирмаси

қурган қўн заводи дастлаб-

ки маҳсулотини ишлаб чи-

қарди. Завод бир йилда 700

миллион квадрат дециметр

хром тери ишлаб чиқариш

қувватига эга.

СУРАТДА: корхона пар-

дозлаш цехининг қўни

пресслаш участкасида.

Ю. Павлов фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ТОШКЕНТ
КОМУНАЛ-ҚУРИЛИШ
ТЕХНИКУМИ

1989 йилда техникумга ўқишга кириш учун
6 ОИЛИК ТАЙЕРЛОВ
КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсларига 8-10 синф маълумотида эга бўлган кишилар, шунингдек кундузги умумий таълим мактабларининг 8 ва 10-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Машғулотлар — математика, тил ва адабиётдан ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Машғулотлар — январь ойидан бошланади.

Техникум сув таъминоти системаси асбоб-ускуналаридан фойдаланиш, шаҳар электр транспортидан фойдаланиш (—), уни ремонт қилиш ва электр қўйиш билан таъминлаш, ёғочни қайта ишлаш технологияси, қўриқ ва иншоотларнинг қўриқ ва монтаж қилиш, газ таъминоти, ускуналаридан фойдаланиш ва газ таъминоти системаларини ихтисослари бўйича мутахассислар тайёрлади.

Техникум адреси: 700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 25-уй.

Справкалар учун телефон: 55-59-47.

Ташкилотлар ва
корхоналарнинг раҳбарлари
диққатига!

Собиқ Ўзбекистон ССР
қурилиш министрилигининг

«УЗСТРОЙДЕТАЛЬ»
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БИРЛАШМАСИ

ТУГАТИЛАДИ

Унинг ҳуқуқларини «Узстройдеталь» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз зиммасига олиди ва барча даъволарни 10 февралгача қўйидаги адресда қабул қилади: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 19-уй.

«Узстройматериал» тер-
риториал бирлашмасининг
1-САМГА қарашли

Тошкент автотранспорт ва
механизация корхонаси

Корхона директори

БАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН
ҚИЛАДИ

Конкурсда олий маълумотли (автомобиль ва йўллар ихтисослиги бўйича) автотранспортда раҳбарлик лавозимларида камида 6 йил ишлаган кишилар қатнаша оладилар.

Аризалар — 1989 йилнинг 11 февралгача қўйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Дадабоев кўчаси, 52-«а» уй. Телефон: 48-71-27.

«Ташгострой» тер-
риториал бирлашмаси

4-қурилиш трести

УПТК бошлиғи

вакант вазифасига

КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Олий қурилиш маълумоти эга бўлган ва мазкур соҳада раҳбарлик лавозимида камида 5 йил ишлаган кишилар конкурсда иштирок этишга тақлиф қилинади.

Конкурс мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Ҳужжатлар қўйидаги адресга жўнатилин: 700032, Тошкент шаҳри, Ф. Ҳужаев кўчаси, 2-уй.

ТОШКЕНТ ШАҲАР
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ
КОРХОНАСИНИНГ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ
ЎТКАЗИШ БЎЛИМИ

ҚУЙИДАГИЛАРГА
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯГА ҲАҚ
ТУЛАШДА ИМТИЁЗЛАР
БЕРАДИ:

Улуғ Ватан уруши инваллидлари;

иш ёки касаллик туфайли инвалидликка чиққан уруш қатнашчиларига;

1, II, III даража Шухрат Орденлари билан мукофотланган граждандарига;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига;

Иттифок республика ва маҳаллий аҳамиятга молик шахсий пенсияерларга.

Улар электр энергия учун тариф қийматининг 50 проценти ҳажмида ҳақ тўлайдилар.

Имтиёзлар электр билан таъминловчи ташкилотларга тегишли ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб белгиланади.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси. Телефонлар: 33-78-60, 33-29-56.

«Союзреклама» Бутунит-
тифок ишлаб чиқариш бир-
лашмасининг Ўзбекистон ре-
клама ишлаб чиқариш корхо-
наси.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрилигининг

3-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1989—1990 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

Саноат ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, қўлда иш бажарувчи электр пайвандчи, фрезерчи, электр монтер (электромонтажчи), кенг профилдаги станокчи, техника назорати бўлимининг контролери, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, нусха кўчирувчи-чизмакаш.

Ўқиш мuddати — 1-3 йил.

Ўқишга 8-10 синф маълумотидаги йигит-қизлар қабул қилинади. 3 йиллик таълим гуруҳларини тамомлаган ўқувчиларга ўрта ҳунар-техника билим юртини тамомлаганлик ҳақидаги диплом берилади.

8 синф маълумотидаги ўқувчилар ўқиш даврида бепул кўчаллик ва ишчи кийимлари ҳамда уч маҳал овқат билан таъминланадилар. 10 синф маълумотидаги ўқувчилар эса стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртига Тошкент шаҳрида ва унга яқин районларда яшаб турувчи йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга олий ўқув юртиларига кириш учун йўллана берилади ва улар билим юртини тамомлагач мажбурий ишлаб бериш стажисиз ўқишга кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Билим юртида техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик, фото тўғараклар, спорт секциялари ишлаб турибди. Ўқувчилар ёзи дам олиш вақтида Чорвоқ посёлмаси районидagi базада ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки турилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлик ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 6 донa фотосурат (3х4 см.).

Машғулотлар—1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-автobусларнинг «3-СПТУ» бекати). Телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.

«ТашЭКС» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-90 ўқув йили учун

универсал токарь, фрезерчи, газ-электр пайвандчи
ихтисосликларни бўйича

қабул эълон қилади

Ўқиш мuddати — 6 ой.

Ўқишга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган йигитлар ва 10-синф маълумотида эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўқишга КИРУВЧИЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАДА ТУРИШИ ШАРТ.

Ўқувчилар ойига 100 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида уларга ишлаб топган маошининг 50 проценти берилади.

Билим юртида ўқишни олий ўқув юртиларининг кечки ва сиртқи бўлимлари ёки тайёрлов курсларига ўқиш билан бирга қўшиб олиб бориш имконияти ҳам мавжуд.

Билим юртидаги ўқиш даври доимий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар гуруҳларининг комплек-
тлашувига қараб бошланади.

Қабул комиссияси ҳар кун, якшанбадан ташқари, соат 9 дан 17.00 гача ишлайди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: паспорт, маълумоти ҳақидаги аттестат, медицина справкиси, фотосуратлар.

Билим юрти адреси: 700051, Тошкент шаҳри, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «17-СПТУ» бекати, 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони бекати). Телефонлар: 68-57-08, 68-68-74.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрилиги

26-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

10-синфини тамомлаган ёшларни

ҳамда Совет Армияси сафларидан запасага бўшатишган
йигитларни

ЯНГИ ҚУРИЛАётган ТОШКЕНТ ЧИНИИ ЗАВОДИГА

ИШЛАШ УЧУН

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚИСКАРТИРИЛГАН ГРУППАЛАРГА

Ўқишга қабул қилади

Чинни пиширувчилар, чинни шаклини тайёрловчилар, электромонтерлар, вентиляция ускуналари бўйича слесарлар, саноат машиналарини ремонт қиладиган слесарлар, агрограф усулида безовчилар.

Билим юртига 10-синфини битирган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш мuddати ҳамма мутахассисликлар учун 6 ой.

Ўқишга қабул қилинганларга 70-80 сўм миқдорда стипендия берилади.

Билим юртини тамомлаганларга эгаллаган мутахассислиги ҳақида диплом берилади. Шунингдек, аъло баҳо билан битирганлар олий ўқув юртиларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Ўқиш мuddати узлуксиз меҳнат стажига кириди.


Билим юрти битирувчилари Тошкент чинни заводида ишга жойлаштирилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: директор номига ариза, паспорт (кўрсатилади), турар жойидан справка, маълумоти ҳақида гувоҳнома, медицина справкиси (0 86/У форма), 3х4 см. катталикида 6 донa фотосурат, меҳнат дафтарчаси, таржима ҳоли, ҳарбий билет ёки гувоҳнома (йигитлар учун).

Ўқиш гуруҳлари янгиликни билан бошланади:

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов району, Сағбон кўчаси, 17-тупик, (100, 59, 76, 166-автobусларнинг «Қўштут» бекати). Телефонлар: 44-30-07, 44-15-86.



ЧИМЕНДА.

Н. Мухаммаджонов фотоси.

Спорт

Эътибор
суст бўлгач...

Мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлашга эътибор йилдан-йил кучайтирилмоқда. Айниқса олий ўқув юртиларида бунга катта аҳамият берилляпти. Ўқитиш ишларида қатор янгиликлар жорий этиляпти. Албатта, малакали мутахассис тайёрлаш деганда фақат билим беришни тушунамаслик даркор. Кишининг саломатлигини ҳам ўйлаш керак. Тани соғ кишининг иши унумли бўлади, одамларга, жамиятга кўпроқ наф келтиради. Агар ўша талаба эртага педагог бўладиган бўлса унинг тетик, бардам кишининг масъулияти яна ҳам ортади. Чунки болалар тақлимдан бўлишда, ўқитувчиларидан кимгадир ўхшашни оруз қилишда, ўшандай бўлишга интиляшдади.

Энгелс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтига бу борада қандай ишлар олиб бориляётганлиги билан танишиш мақсадида яқинда у ерда бўлидик.

Институтнинг бир корпуси Мўқимий кўчасида, бошқаси Фарҳод армаркисининг орқа томонида, учинчиси эса Сапёрная кўчасида жойлашган. Албатта бу ҳам ўзига яраша муаммоларни туғдиради. Кун очик пайларни студентлар машғулоти «Текстильчи» ва «Меҳнат резервлари» стадионларида ўтказиляди. Йўл олиш, транспортда борлмас бўлмайди. Каттаб сарсон бўлишнинг ўзи ёшларни спортдан бездиради. Ёғин-сочилик кунларда эса залга тикилишдан ўзга илож йўқ.

Мўқимий кўчасидаги корпус бунёд этилганга анча йиллар бўлди. Шу мулладан спорт залига ҳам. Эрталабданок ўша ёққа йўл олдик. Ҳали ҳеч ким келмаган шеклини, зал қули. Совет ўнга яқин институт спорт клуби раис Ш. Каримов келиб қолди. Танишиб, ичкари кирдик. Раис олиб бориляётган ишлар билан бирма-бир таништира бошладик.

Ҳозир спортнинг 16 тури бўйича секциялар ишлаб турибди, — деди у. — Уларга малакали тренерлар раҳбарлик қилишяди, кўпқураш, сузиш каби машғулотлар «Меҳнат резервлари» стадионига ўтказиляди. Утган ойда минг сўмликдан зиёд спорт инвентарлари олдик. Тез-тез спорт мусобақалари ўтказиб турибмиз.

Бу тадбирлар яхши. Келажакда яхши самара берса ажаб эмас. Лекин «Студентлар уйлари» ҳафталигинида институт вакилларининг яхши қатнаша олмаганликлари катта ташвишми керак! Умуман олганда бу ҳол киришчани ларо-таба бўлгангани йўқ. Бунда спорт клубининг раис айдор демокчи эмаслиги аниқ. У ишга келганига эндигина уч-тўрт ой бўляпти. У ҳозир спорт ишларини жонлиқларни мақсадда олиб-югуриб қорибди. Аммо бошқа ўқитувчи ва тренерларчи! Улар нима қилишди!

Залин айланамиз. Истиҳис системаларининг кўп жойидан суя томиб ётибди. Пол тахта-лари ремонтлабди. Базми жойлари синган. Духоналарда суя таратадиган септалар йўқ. Бураганиз крандан оққандан тушавради. Эркинлар душо-насида суя кетмаётганидан, кўлмак ҳосил бўлган. Ким билмади, неча кундан бўён шу-ндай аҳолда экан. Ёчиниш то-налари ҳам бир ҳолатда: оқ-ланган кийим илгичлар қўйил-ган, тамом, бор жокюз шу. Са-вол туғилмади: нахотки раҳбарлардан ҳеч ким жим орада бу ерга киримаган! Ё киришса ҳам бепарво чиқиб кетаве-ришмаган!

Институтимизнинг асоси-ни қизлар ташкил этишди, — сўхбатин давом эттирди Ш. Каримов. — Аксарияти обла-стлардан келишган. Бирон му-собақа ўтказилса кўплари бе-рилиб иштирок этишяди. Ай-ниқса инглиз тили факультети студентлари. Қанайди, ҳамма шароит ўзимизда бўлса, бош-каларни ҳам спортга жалб эта олармикин...

Ҳақ гап. Ҳамма бирден қи-зикади деб бўлмайди. Сир эмас, айримлар заҳёт олиш учун, қарздор бўлиб қолмаслиқ учун физкультура дурсида қатнашяшди. Ҳа, са-

моматликлари мустаҳкамлаш учун эмас, баҳо учун. Шу кет-тишда бирон дуруст натижа-га эришиш мумкинми!

Клуб раисининг айтишига қараганда инглиз тили факультети студентлари спорт белла-шувларида бошқа факультетлари доим енгиб келишар-кан. Бунга деканат ва комсо-мол ташкилоти жиддий эъти-бор берар экан. Бироқ, бу бу-тун институт шароити учун на-млик қилади. Негаки, институ-тлараро мусобақаларда кучсиз эканликлари яққол сезилиб қо-лади. Унинг сабабларини жиддий таҳлил этидиган вақт етди.

Институтнинг Фарҳод армар-каси ортидаги корпусларида эса инглиз ва француз тили факультетлари жойлашган. У ерда икки факультетга битта зал хизмат қилади. У ҳам бўлса мактабга мўлжаллаб ку-рилган бинада. Залда йигир-мага яқин қиз шугулланыпти.

Залини ёритиш системала-рининг кўпи ишлямайдди. Син-ган ойналарнинг ўрни фанер билан тўсиб қўйилди. Дево-рининг айрим жойлари кўчиб тушган.

Институт жисмоний тарбия кафедраси коллектив ҳали ўз ишини қайта қуриб ололма-ган кўринади. Бир мисол: ка-федрa муабири хонасига илин-ган студентлар ҳақидаги маъл-умот 1986 — 87 ўқув йилига тааллуқли бўлиб, унда қайси факультет, қайси курсдан қан-ча киши жисмоний тарбия дурсига қатнашгани кўрсати-лган. Ваҳоланки, ундан кейин яна бир ўқув йили туғди, ик-кинчиси ярмига етди. Рўйхат-га анчадан бўён ҳеч ким қа-рамган кўринади. Йўқса ҳеч бўлмаганда ўқув йилини ўз-гартариб қўйган бўлармиди. У ҳам майли. Ҳатто дарс жа-валанини қайси ўқув йили учун тузилганлиги ҳам кўрсатилма-ган. Профессор мизоси, муҳр йўқ. Ҳафсақасизлик шу даре-жадаки! Ўқув корпусларида аҳоил шундай бўлса, соғлом-лаштириш ишлари ётоқхона-ларда қандай олиб бориляёт-ганиникин!

✦ХОТИМА УРНИДА. Утган йилларда ҳатто спортда ҳам қўшиб ёшлар бор эди. Ҳи-сосларда «Фалонча ГТО ни-шондор, фалонча оммавий физкультура билан шугулланув-чи активлар бор» деб кўрсати-ларди. Лекин аслидаки! Ҳа ГТО нишондорларнинг ҳаммаси ҳам зарбдорларча меҳнат қилишга, Ватан ҳимосига тайёрмиди! Йўқ. Агар шу кўз-бўямачиликлар бўлгангада ҳам юртларимизнинг кўпи Ар-мияга жисмонан бўш бўлиб бормас эди. Маҳаллий миллат ёшларининг аксарияти қури-лиш батальонларида эмас, жанговар қисмларда бўлишар-ди. Энди эскичасига ишлаб бўлмайди. Қайта қуриш биздан шуни талаб қилляпти. Жамияти-мизга нафакат билимдон, шу билан бирга соғлом, жисмонан бақувват кадрлар керак. Буни унутмаслик даркор.

Р. БОБОМУХАМЕДОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲ-
БАРЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ

ДИҚҚАТИГА!

ПАХТАЧИЛИК УЧУН МАШИНАЛАР ЯРАТИШ
БОШ ИХТИСОСЛАШГАН КОНСТРУКТОРЛИК
БЮРОСИ (ГСКБ)

ШАРТНОМА ШАРТЛАРИГА КўРА НАҚД ПУЛ
ТўЛАГАН ҲОЛДА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙўЛИ БИЛАН

қуйидаги ишларни

амалга оширади

— конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва

теплица ҳўжаликлари учун кичик механизация воситала-рининг тақрибга нусхаларини тайёрлаш;

— гидросистемалар ва махсуус гидроқурилмалар ҳисоби ва уларни ишлаб чиқиш;

— саноат ишлаб чиқараётган гидроагрегатлар базаси-да машина ва механизмларнинг ишчи органлари айланиш ҳаракати гидроприводлари ҳисоби ва уларни ишлаб чи-қиш;

— машиналарнинг гидравлик трансмиссияси ҳисоби, гидротрансмиссиянинг механика қисми параметрларини таълаш;

— машина ва механизмларнинг гидроавтоматика сис-темаларини ишлаб чиқиш;

— машина (ўзи ийорар машиналар ҳам шу ҳисобда) ва механизмларнинг электр ускуналарини (паст вольтдаги) ишлаб чиқиш;

— машина ва механизмларнинг гидросистемаларини сошлаш;

— машина ва механизмлар технологик жараёларини назорат қилиш, сигналлаштириш ва автоматлаштириш электорн системаларини ишлаб чиқиш.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қи-линсин: Тошкент шаҳри, Ҳамза району, Ново-Ульяновск кўчаси, 210-уй. (16,21,30-автobусларнинг «Шампан вино-лари заводи» бекати). Телефон: 68-73-20.

КўП ТАРМОҚЛИ «СЕМЕНТ» КООПЕРАТИВИ

ёзув машиналари ва оргтехника бўйича

1989 йилга

шартномалар тузади

— Техника хизмати кўрсатиш;

— комплекс хизмат кўрсатиш;

— ремонт учун шартнома тузиш.

Комплекс хизмат кўрсатишга техника хиз-мати кўрсатиш, барча турдаги ремонт ишла-ри (стационар ремонт ҳам шу ҳисобга қиради), тех-никани транспортда олиб бориш ва олиб келиш ва ўр-на-тилган эҳтиёт қисмларини қиймати қиради.

Агарда сиз кооператив билан комплекс хизмат кўрса-тиш юзасидан шартнома тузсангиз, техникангиз доим соз ҳолда бўлади.

Ташкилотлар билан ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли би-лан амалга оширилади.

Ремонт ва техника хизмати кўрсатиш учун зарур эҳти-ёт қисмлари тўла миқдорда мавжуд.

КООПЕРАТИВ БАҲОЛАРИ — ДАВЛАТ БАҲОЛАРИ-ДАН АНЧА ПАСТИДР.

Утган йили «СЕМЕНТ» кооперативи биронта ҳам ре-кламация олгани йўқ.